

Саноат чиқиндиларини ўғитга айлантириш тақлиф қилинди

// 23.04.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/sanoat-chiqindilarini-ugitga-aylantirish-taklif-qilindi>



Jahon kimyo sanoati xabarları

Sanoat chiqindilarini o'g'itga aylantirish taklif qilindi

 uzkimyosanoat.uz  [@uzkimyosanoat](https://t.me/uzkimyosanoat)  uzkimyosanoat.uz  [uzkimyosanoat](#)  [@uzkimyosanoat](#)

Хитойнинг Сун Яцен университети олимлари саноат газларини ўғитлар ва кимёвий моддалар ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё бўлган карбамидга айлантириш йўлини топди.

Бунинг учун улар синтез жараёнини деярли қўшимча маҳсулотлар ҳосил қиласдан амалга оширишга имкон берувчи, селективлиги 65% дан ортиқ бўлган қаттиқ фазали электролитлар катализаторини яратиши.

Бу, ўз навбатида, чиқиндиларни йўқ қилишнинг тақдим этилган усулини ўхшаш вариантлардан ажратиб туради ва уни нафақат экологик жиҳатдан қулай, балки тежамкор қиласди.

Ишлаб чиқилган катализаторга мис, темир ва ароматик углеводородлардан тайёрланган ғовакли материалларга асосланган тизим асос қилиб олинди.

Бу карбонат ангидрид ва азот молекулаларининг самарали бўлинишига имкон беради ва кейин уларни водород ва кислород билан бирлаштириб карбамид ҳосил қиласди.

Тадқиқот муаллифларининг таъкидлашича, улар яратган катализатор нисбатан паст кучланиш ва оқимда ишлашга қодир.

Бу эса чекланган энергия истеъмоли шароитида ундан фойдаланишни янада фойдали қиласди.

Чиқинди газларидан фойдаланиш карбамид ишлаб чиқариш учун хом ашё нархини сезиларли даражада камайтиришга имкон беради ва катализаторнинг юқори самараадорлиги ва селективлиги операцион харажатларни камайтиради ҳамда ушбу моддани кичик ҳажмда ишлаб чиқаришга имкон беради.

“Ўзқимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати